ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК.413.141.

МАҲМУД КОШҒАРИЙ «ДЕВОН»ИДА ШАХС ДЕНОТАТЛИ ЛЕКСЕМАЛАР СИНОНИМИЯСИ

Г.З.Розиқова

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида от лексемаларнинг кенг синонимик қаторлари мавжуд бўлиб, улар туркий халқларнинг бой тафаккури ва заковатидан дарак беради. Асарда қўлланган синоним лексемаларни ўрганиш орқали XI аср қорахонийлар даври эски туркий тил луғат таркибининг бойлиги, ушбу тил ифода имкониятларининг кенглиги ва ранг-баранглиги ҳақида муҳим маълумотлар олиш мумкин. Мақолада М.Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида қўлланган шахс денотатли синонимлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *синоним, синонимик қатор, лексема, семема, сема.*

Наличие множества синонимических рядов существительных в «Дивану лугатит-турк» Махмуда Кашгари свидетельствует о высоком интеллектуальном уровне развития тюркских народов данного периода. Изучая синонимические лексемы, употреблённые в произведении, можно получить важные сведения о богатстве словарного состава, о широком диапазоне и о разнообразии древнетюркского языка времен караханидов XI века. В статье анализируются личностно денотатные синонимы, употребленные в словаре М.Кашгари.

Ключевые слова: *синоним,синонимический ряд, лексема, семема, сема.*

Мустақиллик йилларида ўзбек тилини илмий тадқиқ этишнинг қатор йўналишлари ривожланди. Илдизлари жуда қадимий даврларга бориб тақаладиган тилимиз тарихини ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилиш ҳам ана шу йўналишдаги ишлар сирасига киради. Юртимизда «...матншунослик, адабий манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳаларида миллий маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилаётгани» [1] бу борадаги илмий изланишлар кўламини янада кенгайтиришга асос бўлмоқда. Туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилининг тарихий тараққиётини қўлёзма манбаларда акс этган бой фактик материаллар ёрдамида ҳар томонлама чуқур ва илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳозирги кунда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, тил тарихини ўрганишда энг ишончли манба бизгача етиб келган ёзма ёдгорликлардир. «Девону луғотит турк» асарида қўлланган луғавий қатламни функционал, семантик ва услубий жиҳатдан таҳлил этиш тилимизнинг илк давр ўзбек тилига хос бой ифода имкониятлари ҳақида муҳим маълумотлар олиш имконини беради. Хусусан, тилимиз тарихида қўлланган синоним сўзларни тадқиқ этиш тилимизнинг тадрижий тараққиётини ўрганишда муҳим саналади ва фан учун катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тилшунос олим Н.Маҳмудовнинг «Тилларимиз, асрлар юкини мардона ташиган сўзларимиз кўзимизга ҳам таниш, ҳам нотанишга ўхшаб кўринмаслиги учун бу сўзларнинг бутун ҳаёт тарзию, бугунги туриш-турмушини чуқур тадқиқ этмоқ керак» [2. Б. 116] деган фикрлари бевосита синонимлар тарихини ўрганишга ҳам тааллуқлидир.

Маънолари бир хил, талаффуз ва ёзилиши ҳар хил бўлган сўзлар синоним ҳисобланади. Идеографик семалари тенг, бир ёки бир неча жиҳати ўзаро фарқли лексемалар (лексосемемалар) лексик синонимлар (лексосинонимлар) дейилади. Лексосинонимлик камида иккита лексема (лексосемема) орасида вужудга келади ва том маънода лексик парадигмага тенг бўлади: 1) синонимларнинг лексик маъноси (идеографик семалари) тенг бўлгани сабабли уларни танлаб ишлатиш мумкин; 2) шу хусусиятига кўра синонимлар мунтазам тизим ҳосил этади; 3) синонимлик тил қурилишининг ўзига хос ички (интралингвистик) ҳодиса бўлиб, семантик микротизим дейилади [3. Б. 80]. А.Ҳожиевнинг синонимларга берган таърифи ҳам Ш.Раҳматуллаевнинг юқоридаги фикрларига ҳамоҳанг: «Талаффузи ва ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил (умумий) бўлган, қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланиши каби бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сўзлардир» [4. Б. 3].

«Ҳар қандай тилнинг луғат бойлигида маънодош сўзларнинг мавжудлигига шубҳа йўқ. Зеро, инсоният ўз тараққиёт босқичларида теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни, нарса-предметларни аташ, номлашда маънодош сўзлардан фойдаланган. Тиллараро муносабатлар ҳам синони-

миянинг воқеланишига туртки берган. Даврлар ўтиши давомида айрим сўзларга хос маънонинг ўзгариши, яъни маъно торайиши ёки, аксинча, маъно кенгайиши, маънонинг бутунлай ўзгариши каби лисоний ҳодисалар маънодош сўзларнинг кўпайиши ёки камайишига олиб келиши мумкин» [5. Б. 80].

Синонимлар халқнинг жуда бой заковатидан дарак бериб туради. Буни XI асрнинг ноёб ёдгорлиги бўлган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилган лингвистик фактлар ва ундаги далил сифатида берилган адабий парчалар тўлиқ тасдиқлайди. Фикрни аниқ ва мақсадга мувофиқ ҳолда ифодалашда синонимларнинг аҳамияти каттадир. Синоним сўзлардан мақсадга мувофиқ равишда моҳирлик билан фойдаланиш эса тил эгасининг қуввайи ҳофизасига боғлиқ.

Профессор Ш.Раҳматуллаев синонимлардаги умумий ва фарқли жиҳатлар ҳақида тўхталиб шундай ёзади: «Лексик бирликлар ўзаро синоним бўлиши учун улар умумийликка ҳам, фарқли белгига ҳам эга бўлиши лозим: лексик маъно таркибидаги идеографик семалари тенг бўлади; фарқланиш одатда бирор идеографик семанинг маъно қиррасида, баҳо семасида, нутқ кўринишига бириктирилиш белгисида воқе бўлади. Синонимлар ўзаро юқорида саналган ҳар уч жиҳати билан ёки икки жиҳати билан, ҳатто бир жиҳати билан ҳам фарқ қилиши мумкин» [3. Б. 80].

Бирдан ортиқ сўзнинг ўзаро синонимлиги уларнинг бир хил маънога эгалигига асосланар экан, табиий равишда, фақат бир туркумга оид сўзларгина ўзаро синонимик муносабатда бўла олади [15. Б.116]. Маҳмуд Кошғарий «Девон»и мисолида оладиган бўлсак, унда синонимлар деярли ҳар бир сўз туркумида учрайди. Биз асарда қўлланган от туркумига оид шахс денотатли синонимларни таҳлилга тортамиз. «Девон»да келтирилган фактлар ундаги синонимик қаторлар, асосан, уларнинг аташ семалари умумий лексемалардан ташкил топганини кўрсатади. Масалан, «оламни яратган ва уни бошқарувчи олий зот, худо, тангри» маъноси *Эҙі* [6. Б. 77] ва *Тэңри* [6. Б.152] // *Тäңри* [7. Б. 186] сўзлари орқали ифодаланган. *Тэңри* ва *Тäңри* сўзлари бир сўзнинг турли вариантлари бўлиб, у *Эҙі* сўзи билан синонимик муносабатга киришган. Бирламчи маъноси «осмон, кўк» бўлган *Тäңри // Тэңри* сўзи тилда жуда қадимий даврлардан қўлланган бўлиб, қадимги туркий тилда, шунингдек, «илоҳий» ва «ғолиб, музаффар» маъноларини ҳам англатган.

Асарда *сӱ* ҳамда *чäрік* [6. Б. 295] лексемалари «давлатнинг қуролли кучлари мажмуи ёки унинг бир қисми; қўшин» маъносини англатган. Беморларни даволовчи шахс «табиб» маъносини ифодалашда эса *отачї*, *атасағун* [6. Б. 76] сўзларидан фойдаланилган. Асарда қариндош-уруғ номларини билдирувчи синоним лексемаларни ҳам учратамиз. Интеграл семалари асосида умумийликни ҳосил қилувчи бундай синонимик қатордаги лексемаларнинг дифференциал.семалари уларнинг қайси қабила тилида қўлланилиши ҳисобланади. Масалан, «фарзандли, бола-чақали эркак киши, ота» маъноси турклар тилида *ата* [6. Б. 76], тубутлар тилида *аба* [6. Б.76] лексемалари билан ифодаланган. «Фарзанди ёки фарзандлари бор хотин; болали хотин, она» маъноси *ана* сўзи билан ифодаланиши айтилади. Шунингдек, тубутлар онани *ума,* ўғузлар *аба*, қарлуқ туркманлари қаттиқ *п* билан *апа* [6. Б. 76] деб аташлари бу сўзларнинг ҳам синоним сўзлар эканини кўрсатади. *Ана – һана – ума – аба – апа* қаторини ташкил этувчи «биринчи лексема умумтуркий характерга эга бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида мустаҳкам ўринга эга. Эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлмаган бу фаол сўзнинг *һана* фонетик шакли хўтанликлар ва канжаклар тилига хос бўлган [6. Б. 68]. Ушбу фонетик шаклнинг вужудга келиши анлаут (бўғин боши)да *h* фонемасининг орттирилиши боис юзага чиққан; *һата* «ота» лексемаси ҳам шу йўсинда ясалган. Охирги *аба* лексемасининг ўғузлар тилида истеъмол қилинганига луғат муаллифи диққатни қаратади [6. Б. 113]. Ҳозирги баъзи ўзбек шевалари тилида *аба* лексемаси «она» маъносида қўлланишда давом этмоқда [5. Б. 83]. Демак, *ана, һана, апа, аба* сўзлари бир сўзнинг турли фонетик вариантлари бўлиб, *ума* сўзига нисбатан синоним бўла олади.

«Девон»да «бир ота-онадан туғилган фарзандлар ичида ўзидан кичикларга (укаларга, сингилларга) нисбатан катта қиз, опа» маъносида *ача, экä* сўзлари қўлланилиши, шунингдек, ўғузлар опани *эзä* [6. Б. 78] дейишлари ҳам айтилади. «Ўғил» маъносида *оғул* ва *урї* [6. Б. 77] сўзлари истифода этилган.

Маҳмуд Кошғарий «қиз» маъносида *milкӱ* (тулки), «ўғил» маъносида *бӧрі* сўзлари ҳам қўлланишини ёзади: «*milкӱ* (тулки) сўзи билан қиз боладан киноя қилинади. Бирон хотин туққанда доядан *milкӱмӱ туғдї азу бӧрімӱ – тулки туғдими ёки бўрими* деб сўралади, яъни қизми ёки ўғилми демакдир. Қизлар алдоқчи ҳамда ялинчоқ бўлганлари учун тулкига, ўғил болалар улардаги ботирликка асосан бўрига ўхшатилади» [8. Б. 404].

Шунингдек, асарда эркалаш маъносини ифодаловчи синоним лексемаларни ҳам учратамиз. Масалан, *анач* ва *экäч* сўзлари шундай изоҳланади: «*экäч* – ўзининг ортиқ зийраклиги билан одамларга худди ўз синглисидек туюлувчи ёш қиз; бу сўз ёш қизларни севиш, эркалаш учун қўлланади» [6. Б. 55]; «*анач* – она қиз, яъни ўзининг

зийраклиги билан ҳамманинг онасидек ҳисобланувчи ёш қиз. Бу сўз ҳам қизларни эркалатиш учун айтилади» [6. Б. 56].

«Девон»да «хотин, аёл» маъноси *ішләр* лексемаси орқали ифодаланиши, асли *ішіjләр* сўзи «хоним» маъносининг ифодалаши, бу сўз кўпликда бўлиб, лекин бирликда ҳам қўлланиши қайд этилади. Шунингдек, асарда «хотин» маъносининг *урағут, тіші, эwлўк, қатун, кіс, қазуз, охшағу* сўзлари орқали ҳам ифодаланиши айтилади. Демак, *ішләр – урағут – тіші – эwлўк – қатун – кіс – қазуз – охшағу* сўзлари ўзаро синоним бўлиб, бу синонимик қатордаги сўзлар айрим семалари билан фарқланади. Масалан, *урағут, ішләр, кіс* сўзлари «ҳар қандай аёл жинсига мансуб шахс» маъносини ифодаласа, *эwлўк, қазуз* сўзларида «эр кўрган аёл, жувон» семаси аниқ кўриниб туради. *Қатун* сўзи Афросиёб қизларидан бўлганларнинг номини англатади. *Охшағу* сўзи аслида «ўйинчиқ» маъносини англатади. Бу сўз хотинларга нисбатан ҳам қўлланади [6. Б. 110]. Ҳ.Дадабоев «Девон»нинг тил хусусиятларига доир тадқиқотида синоним сўзларга ҳам алоҳида аҳамият қаратган. Олим юқоридаги синонимик қатор ҳақида шундай ёзади: «Завжа, уй бекаси» маъноси «Девон»да *эвчи-эвлўг-ишләр-тиши-урағут-қатун* синонимик қаторини шакллантирувчи лексемалар билан англашилган. Биринчи ва иккинчи лексемалар «уй, хонадон» маъносидаги *эв (ew)* сўзидан *-чи* ва *–лўг* аффикслари ёрдамида ясалган. Иккинчи лексеманинг *эвлиг* шакли ҳам айни маънони билдирган. Юсуф Хос Ҳожиб уни «эга, хўжайин» маъносида ҳам ишлатган [9. Б. 190]. «Қисаси Рабғузий» асари тилида *эвлўг* «аёл, хотин, завжа»-ни англатади. Учинчи лексема фақат «Девон»га оиддир. Унинг *иши* шакли Турфон матнларида, *ишләр* фонетик варианти эса «Олтин ёруқ»да кўзга ташланади [9. Б.214 – 215]. *Тиши* лексемаси қатордаги бошқа лексемалардан нафақат аёл жинсига, шунингдек, урғочи ҳайвонларга нисбатан қўллангани билан ҳам фарқ қилади. Лексеманинг мана шу хусусияти XIV аср эски туркий тил манбалари матнида ҳам сақланиб қолган.

Урағут лексемасининг этимологияси ҳозирча номаълум бўлиб (баъзи олимларнинг фикрича, бу сўз «аёл, завжа» маъноли арабча *аврат* лексемасига алоқадор), дастлаб айнан «Девон»да қайд этилганлиги билан характерланади. Ушбу лексеманинг луғат матнида анча фаол қўлланган унинг XI асрда ўз мавқеини эгаллай бошлаганини кўрсатади. XIV аср обидалари тилида бу сўз анча фаоллашган. Эски ўзбек тилида *урағут* архаиклашиб қолган» [5. Б. 91]. Олим *эгәтлік* сўзини ҳам «аёл жинсига мансуб шахс» маъносини англатганлиги учун юқоридаги синонимик қаторга киритади. Бизнингча, ундай эмас. Юқорида ҳам айтилганидек, *ішләр – урағут – тіші – эwлўк – қатун – кіс – қазуз – охшағу* синонимик қаторидаги лексемалар «аёл жинсига мансуб ҳар қандай шахс» маъносини англатади. *Эгәтлік* сўзи эса хусусий маъно билдириб, фақатгина «янга, яъни никоҳ кечаси келин ва куёвга хизмат қилишга буюрилган хизматчи» маъносини ифодалайди. «Қатун» лексемасининг дифференциал маъноси, яъни «ҳукмдорнинг завжаси, малика» семаси орқали қатордаги бошқа лексемалардан фарқланади.

XII – XIV аср эски туркий тил обидаларида *хатун* фонетик шаклида ишлатилган ҳамда «малика» ва «аёл, хотин киши» маъноларида кенг қўлланилган. Кейинчалик *қатун // хатун* лексемаси юқорида зикр этилган маънодошларининг истеъмолдан чиқиб кетишига сабабчи бўлган» [5. Б. 91].

Ҳ.Дадабоев «доно, ақли расо, ақлли, билимдон» маъноси луғатда *бөгү* ва *билгә* сўзлари билан англашилишини таъкидлайди. «Дастлаб Турфон матнларида ишлатилган *бөгү* туб лексемаси [9. Б. 116] Маҳмуд Кошғарий луғатида ҳам алоҳида, ҳам *билгә* деривати билан жуфт ҳолда (*бөгү билгә)* қўлланган [7. Б. 248]. *Билгә* ясама сўзи бил- «англамоқ, билмоқ» феълига *–гә* аффиксини қўшишдан ҳосил қилинган ва илк бор Турфон матнларида ҳамда Ўрхун-Энасой тошбитиглари тилида ишлатилган [9. Б. 99]. Ушбу лексемалар мутлақ (абсолют) синонимлар бўлиб, улар бир-бирини бемалол алмаштириш, бирининг ўрнида иккинчисини ишлатиш хусусиятига эга бўлади. Лексемаларнинг тенг қимматли маънодош сўзлар эканлиги уларнинг жуфт ҳолда қўлланилиши билан ҳам белгиланади» [5. Б. 86 – 87]. Бу синонимик қаторга *өгә* сўзини ҳам киритиш мумкин.

«Девон»да бир умумий маъно билан бирлашган синоним лексемалар бир ёки икки жиҳатдан фарқланганини кўрамиз. Маҳмуд Кошғарий *білгә* ва *өгә* сўзларини қуйидагича изоҳлайди: *білгә* – оқил, ақлли; *өгә* – тажрибали, ақлли, кўп яшаган одам [6. Б. 78].

Кўринадики, бу лексемалардаги умумий сема «ақлли» семасидир. Лекин *өгә* сўзидаги «тажрибали», «кўп яшаган» семалари *білгә, бөгү* лексемалари изоҳида ўз ифодасига эга эмас.

«Қари эр киши; қария; кекса, мўйсафид» сememасига эга бўлган *awїчға – қарїзан – қул* синонимик қатори лексемаларини таҳлил қилсак, улардаги интеграл ва дифференциал семалар ойдинлашади. Бу икки лексема «қари чол, қария; кекса, мўйсафид», «кўп яшаган» семаларида умумийликни ҳосил қилса, «кучдан қолган», «муккайган» семаси мавжудлиги билан *қарїзан* лексемаси бу семаларга эга бўлмаган *awїчға* ва *қул* лексемаларидан фарқланади. *Қул* сўзи Олмаота нашрида

кал (*қари*) [6. Б. 275] деб изоҳланган. *Қул* сўзининг айнан «кекса» маъносида қўлланганининг исботи сифатида асарда берилган иккилик тарзидаги шеърий парчани келтирамиз:

Қул cawї қалмас,
Қағил бағї јазїлмас.

Бу шеърий парчанинг мазмуни шундай изоҳланади: «Кексалар сўзи, насиҳати бекор кетмайди, толнинг ҳўл новдасининг боғи ёзилмайди» [6. Б. 127].

«Кекса» маъносини англатувчи *қул* сўзи «хусусий мулк, мол қатори олиб-сотилган, бус-бутун хўжайинга қарам бўлган, ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқ ва молу мулкка эга бўлмаган хизматкор» маъносини билдирувчи *қул* сўзи билан омонимик муносабатга киришади: *ол қулїн урдї – у қулини урди.* Мазкур сўз *тэгин* ҳамда *табуғчї (ходим, хизматкор)* [6. Б. 252] сўзлари билан бир синонимик қаторни ташкил этади. Маҳмуд Кошғарий *тэгин* сўзига шундай изоҳ беради: «*Тэгин* аслида қул демакдир. *Кӧмӱштікін* – кумушдай тоза рангли қул демакдир. *Алп тэгин* – баҳодир қул, *қутлуғ тэгин* – муборак қул. Сўнг бу сўзни ҳоқония болаларигагина хослаб атадилар. Кейин бу сўз бирорта йиртқич қуш номи билан жуфт ҳолда ишлатиладиган бўлди. *Чағрї тэгин* – ҳужумда лочиндек қул, *кӱч тэгин* – кучли, қувватли қул. Сўнг бу исм Афросиёб болаларига ҳам қўллана бошлади. Афросиёбнинг болалари бирор иш, воқеа, хабарни айтганда ёки ёзганда оталарига ҳурмат юзасидан ўзларини камситиб «қулингиз фалон қилди» деб «*қулингиз»* ўрнида *тэгин* сўзини ишлатар эдилар. Сўнг бу сўз уларга от бўлиб қолди. Бошқа қуллардан ажратиш учун бу сўзнинг ёнига яна бир нарса қўшиб ишлатилади [6. Б. 391 – 392]. *Табуғчї* сўзи «сарой ёки ўрдада хон, бек ва шу кабиларнинг хизматини қилиб юрувчи киши, ходим» маъносини ифодалайди. *Қул, табуғчї* сўзлари «бировларнинг хизматини қилиш» «хизматкор» семаси билан умумийлик ҳосил қилади. Лекин *табуғчї* сўзида *қул* сўзида мавжуд бўлган «хусусий мулк, мол қатори олиб-сотилиш», «ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқ ва молу мулкка эга бўлмаслик» семалари йўқ.

Келтирилган лисоний далиллар жамиятдаги ижтимоий табақа вакилларини англатувчи лексемалар таркибида ҳам синонимлар мавжуд бўлганлигини кўрсатади. «Жория, чўри» маъносини ифодаловчи лексемалар орасида ҳам синонимик муносабат мавжуд бўлган. Бу маъно *қырнақ* истилоҳи [6. Б. 430] қатори *кӱң* [10. Б. 216] сўзи билан ҳам ифодаланган.

«Бошининг сочлари тўкилиб, бошқа чиқмайдиган бўлиб қолган киши, кал» семемаси синонимик қаторини асарда *ајбаң – туқлуқ – қїрбас эр* сўзлари ташкил этади.

Асарда «уйлари, ҳовли-жойлари ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар, оилалар, хонадонлар (бир-бирига нисбатан)» семемасини англатувчи *қошнї* (қўшни) сўзи ҳам мавжуд бўлиб, муаллиф ўғузлар ***н*** ҳарфини ***ш*** ҳарфидан олдин қўйиб *қоншї* дейишлари, ҳар иккиси ҳам қоидага мос ва тўғри эканлиги ҳақида маълумот беради. Бу сўз *кірдӓш* (Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра, бир ҳовлида турувчи қўшни) сўзига синонимдир.

Асарда яна қуйидаги синонимик қаторларни кўришимиз мумкин:

«эшикларни айланиб юрувчи гадой, тиланчи» маъносини ифодаловчи синонимик қатор: *умдучї – қолдачі – қарачї;*

«енгилмас курашчи, ботир, баҳодир, паҳлавон» маъносини англатувчи лексемалар синонимик қатори: *алп – алпағут – алп эрӓн – эрӓн алпи;*

«эш; ҳамроҳ, ўртоқ, шерик; дўст» маъносини англатувчи лексемалар синонимик қатори: *эш – ортақ – сағдїч – қолдаш – адаш – уја* ва бошқалар;

«бирор муносабат билан ўз яқинларини йўқлаб келган киши» маъносини англатувчи лексемалар синонимик қатори: *қонуқ – ума;*

«уруш вақтида душман қўлига тушиб, озодликдан маҳрум этилган шахс» маъносини англатувчи лексемалар синонимик қатори: *булун – асир, тутқун;*

«касалликка йўлиққан, оғриган киши, хаста, бемор» маъносини англатувчи лексемалар синонимик қатори: *сӧғал – іклік;*

«одамларни ўз орқасидан эргаштирувчи шахс, йўлбошчи» маъносини англатувчи лексемалар синонимик қатори: *қулабуз –чуфға* кабилар.

Сўзларни синоним қиладиган нарса уларнинг бир хил маънога эгалиги экан, кўп маъноли сўзлар бирдан ортиқ маъносида бошқа сўзлар билан синоним бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, кўп маъноли сўз ҳар бир маъноси билан бошқа-бошқа синонимик қаторда бўлиши мумкин [11. Б.114]. Бу фикрнинг исботи сифатида *басут* ва *арқа* сўзларини келтириш мумкин. Маҳмуд Кошғарий бу сўзларнинг ўз ва кўчма маъноларига қуйидагича изоҳ беради: *басут* – ёрдам; *басут* – ёрдамчи; орқа суянчиқ, меҳрибон [6. Б. 238]; *арқа* – орқа; *арқа* – қийин вақтларда ёрдам берувчи киши; орқа куч; ҳийла ва тадбирлар билан ёрдам берувчи киши [6. Б. 103]. Мазкур сўзлар ўз маъносида эмас, балки кўчма маъносида, яъни «ёрдамчи» маъносида синонимик муносабатга киришган.

«Синонимларни ажратишнинг, сўзларни синонимик парадигмаларга бирлаштиришнинг асосий омили синоним сўзлар англатган, улар номлайдиган, атайдиган нарса, воқеа, ҳодиса, белги, хусу-

сият... (яъни, воқеликлар ва денотатларнинг)нинг айнанлиги» [12. Б. 48] эканлигини ҳисобга олсак, тилда бундай сўзларнинг мавжудлиги фикр ифодалаш учун бениҳоя катта имкониятдир. Халқимиз асрлар давомида бу катта имкониятдан тўлалигича ўзига хос бир тарзда фойдалана билган. Нутқда синоним сўзларни қўллашнинг икки жиҳати мавжуд: сўзловчи синоним сўзлардан нутқ вазиятига қараб энг маъқулини танлаши ёхуд икки ёки ундан ортиқ синоним сўзни бир матн таркибида қўллаши мумкин. Асардаги далил сифатида келтирилган матнларда синоним сўзларнинг бирга ишлатилиш ҳолларини учратамиз. Масалан, *ортақ эрдән артуқ алмас – ўртоқ ўртоғидан* [*тақсимда ҳиссани*] *кўп олмайди.* Инсофга чақириш мазмунини ифодаловчи мазкур мақолда *ортақ* ва *эр* сўзлари бир тушунчани ифодалаш учун қўлланган. Бир сўзни икки марта қўлламай, унинг ўрнига бу сўзнинг маънодошини ишлатиш нутқни ўринсиз такрорлардан, услубий ғализликдан қутқаради.

«Девон»да умумий ҳажми 764 мисра бўлган 289 тўртлик ва иккилик (байт) шеърий намуналар берилган (И.В.Кормушиннинг ҳисобига кўра, 163 тўртлик ва 57 байт (иккилик) адабий намуна сифатида келтирилган) [8. Б. 22] бўлиб, бу шеърий парчалар маънодош сўзлардан икки ёки ундан ортиғини айни бир матнда аниқ бадиий мақсадга бўйсундирган ҳолда қўллаш масаласида ҳам туркий халқлар маҳорати алоҳида диққатга сазовор эканини кўрсатади. Бу эса лексик маънодошликдан тасвир тиниқлиги, ифодадаги муайян нуқтага урғу бериш мақсадида фойдаланишда яхши кўринади.

Tawap ўчўн тэңрі узалмазїб,
Уја қадаш оғлїнї чїнла боғар.

Биродарлар орасидаги шафқатсизликни шундай кўрсатади: Мол учун Тангрини эсламай (уялмай), бу суқликда яқин биродарининг ўғлини чиндан бўғади [6. Б. 75 – 76].

Келтирилган парчада *уја – қадаш* синоним сўзлари мавжуд бўлиб, бу лексемалар «ўртоқ, биродар», маъносини англатади.

Синонимлар умумий маъно доирасида бирлашса-да, уларни бир-биридан ажратиб турувчи фарқлар ҳам мавжуд. Бу фарқ баъзан синонимларнинг нутқда эркин алмашиниб қўлланишига монелик қилади. Айниқса, нутқ эгасининг прагмастилистик мақсадини намойиш этишда синонимик бирликларнинг ҳаммаси ҳам бирдай вазифа бажара олмайди [13. Б. 14]. Синонимлар орасидаги фарқлар услубий, шунингдек, маъно қиррасида, хусусан, маънони гавдалантирадиган образларда мавжуд бўлади [14. Б. 26].

Синонимик қатордаги сўзлар маънони қай даражада ифодалаши жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланади. Баъзи сўзлар белгини нормал (нейтрал) даражада ифодаласа, бошқалари кучли ёки кучсиз даража билан ифодалайди [11. Б.116]. Асардаги тўртликларда бирданига бир неча маънодош сўз ёнма-ён қўлланади ва ифода семалари белгининг даражаланган ҳолда ифодаланишига хизмат қилади. Масалан:

Балчїқ балїқ joғрулур,
Чїғај jawуз jїғрїлур,
Эріңäкläрі оғрїлур,
Озғуч білä эwрішўр.

Қишда лой, балчиқлар қоришиб кетади. Камбағал, юпун одамлар эзилади, бармоқлари совуқдан қотиб қовушмай зирқирайди, бир парча ўт билангина овунади [6. Б. 176].

Келтирилган тўртликда *чїғај* ва *jawуз (камбағал одамлар* ва *юпун одамлар)* синонимлари белгининг даражаланган ҳолда ифодаланишига хизмат қилган. Фикр *юпун одамлар* ифодасида *камбағал одамлар* ифодасига нисбатан кучлироқ юзага чиққан, чунки *юпун* сўзи ифодалаган «қашшоқ» маъноси *камбағал* сўзи орқали ифодаланган маънодан белгининг ортиқ даражада эканлиги билан фарқ қилади.

Асарда қўлланган *гäнж* (гўдак, эмадиган бола*)* – *ǰарǰармақ* (кичик болалар) – *ушақ оғлан* (ёш болалар) – *оғла* (ёш йигит) қаторидаги лексемалар парадигматик қаторни ташкил этувчи тил бирликларининг даражаланиши орқали ўзаро фарқланганлиги маълум. Лекин бу парадигматик қатордаги лексемаларни ўзаро синоним деб бўлмайди. Синонимлар бир нарса-ҳодиса, белги, ҳаракат-ҳолат кабиларни англатувчи ҳамда услубий ва айрим маъно нозикликлари билан фарқланувчи тил бирликлари бўлгани боис бир-биридан луғавий маъносига кўра, яъни ёшдаги тафовутга кўра фарқланувчи юқоридаги сўзлар ўзаро синонимик муносабат ҳосил қила олмайди.

Градуонимия семантик муносабатнинг бир кўриниши сифатида синонимик қатор таркибида ҳам юзага келади. Аммо бу ҳолат барча синонимик қаторларда кузатилавермайди. Градуонимиянинг синонимик қаторда юзага келишида семантик омил муҳим ўрин тутади. Синонимик қатор бирликларининг луғавий маъноларида семантик силжишларнинг рўй бериши градуонимияга йўл очади [13. Б. 37].

Хулоса қилиб айтганда, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида қўлланган синоним сўзларни ўрганиш XI аср қорахонийлар даври эски туркий тил луғат таркибининг бойлиги,

ушбу тил ифода имкониятларининг кенглиги ва ранг-баранглиги ҳақида муҳим маълумотлар бериши шубҳасиз. Зеро, «халқ ўз тили ҳақида унинг ибтидосидан бошлаб маълумотга эга бўлса, бу тилнинг турфа товланишларию, таранг ва лўнда мантиғини чуқур ҳис эта олса, ўзининг узоқ ва мураккаб тарихини ҳам чуқур ҳис эта олади, тарихидан фахрлана олади, ўзиникидан бошқа тилларнинг ҳам муқаддаслигига, ҳар жиҳатдан ҳурматга лойиқлигига имон келтира олади. Бу эса халқнинг ўзлигини англаши демакдир» [15. Б. 82 – 83].

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. URL: http:// www.lex.uz (Мурожаат этилган сана: 20.09.2017)

2. *Маҳмудов Н.* Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2017. –176 б.

3. *Раҳматуллаев Ш.* Ҳозирги адабий ўзбек тили. Биринчи китоб. –Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2010. – 298 б.

4. *Ҳожиев А.* Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 307 б.

5. *Дадабоев Ҳ.* «Девону луғотит турк»нинг тил хусусиятлари. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2017. – 132 б.

6. *Кошғарий М.* Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. 3 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. – 386 б.

7. *Кошғарий М.* Девону луғоти-т-турк. 3 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. – 307 б.

8. *Махмуд ал-Кäшгарӣ.* Дӣвӓн лугӓт ат-турк. В 3-х томах. Том 1./ Предисловие И.В. Кормушина. – Москва: Восточная литература, 2010. – 461 с.

9. Древнетюркский словарь (ДТС). /Ред. Наделяев В.М. и др. – Ленинград: Наука, 1969. – 676 с.

10. К*ошғарий М.* Девону луғоти-т-турк. 3 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. – 291 б.

11. *Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х.* Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.

12. *Орифжонова Ш.* Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 25 б.

13. *Раҳмонов Ғ.* Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Фарғона, 2019. – 156 б.

14. *Раҳматуллаев Ш.* Семик таҳлил ва лексик синонимияни таърифлаш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979. – № 6. – Б. 25 – 31.

15. *Миртожиев М., Маҳмудов Н.* Тил ва маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 110 б.

SYNONYMY OF LEXEMES WITH PERSON DENOTATUM IN «DEVON» OF MAHMUD KOSHGARI

G.Z.Rozikova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49) 102 – 108.

[1] Fergana State University, Fergana, 150100, str. Murabbiylar, 19 Uzbekistan). E-mail: fardu_info@umail.uz

Keywords: synonym, synonymic line, lexeme, sememe, seme.

Studying and analysing the system of lexical units of «Devonu lugotit turk»'s rich vocabulary assists to develop theoretical knowledge on the historical lexicography of the Uzbek language. Since written sources are considered the most important in learning language history, investigation of old scripts is one of the essential tasks that should be solved in exploring historical facts of Turkic languages, including Uzbek.

Turkic languages are rich in synonyms that can present different shades of meaning and stylistic variations and synonyms are the means of evaluating the intelligence of a nation. Mahmud Kashgari's 'Devanu lugatit turk' written in 11th century can be a proof of the brain power and lexical richness of old Turkic.

Synonymic rows given in the «Devan» are usually connected through their naming semes. One can see synonym lexemes on naming family members and relatives. Connected through their integral semes, the meaning is differentiated according to tribes that used the word. According to «Devanu lugatit turk», in

order to give the meaning of «a woman with children, mother», mainly the word «ana» was used, while the tribe of tubut utilized «uma», the tribe of oguz «aba» and Karluk Turkmens «apa». Ana-hana-uma-aba-apa is a synonymic row and the first lexeme «ana» is universal for all Turkic languages and has its firm place in modern Uzbek. The word «ana» is active in society and has no stylistic colour; phonetic variation of the word «hana» was used by the people from Hatan and Kanjak. Mahmud Kashgari paid attention to the usage of «aba» in Uguz language and the word is still used for naming mothers in some dialects of modern Uzbek.

We can find a synonymic row as ishlep – urag‘ut – tishi – evlik – qatun – qis – qazus – oxshagu for naming women in the «Devan» used for naming women in Turkic languages. The words in the above given row are differentiated through some shades of meaning. For instance, «uragut», «ishlap» and «kis» were used for any kind of woman whereas «evlik» and «kazus» were utilized only for married women. The lexeme Qatun was used for girls from Afrasiyab. The word «tishi» is peculiar as it could be used for female animals as well as humans. This feature of the lexeme was kept till 14th century. The etymology of the word «Uragut» is still unknown (but some linguists argue that the word was derived from an Arabic word «avrat»), this word was first used in the «Devan» and had an active usage. The lexeme «qatun» was utilized only for the queens -wives of the kings. The word «qatun» changed into «xatun» in the old Turkic scripts of 12th and 14th centuries, «xatun» had two meanings as «a woman» and «a wife of the King». After periods, the word «xatun» was used widely and other variations became out of usage.

From the above mentioned examples we can analyse that some words become out of usage after times and in some lexemes, meanings can change and some shades of meaning become archaic.

References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 24 maydagi PQ-2995-son «Qadimiy yozma manbalarni saqlash, tadqaq va targ‘ib qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Qarori (2017) [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan PQ-No.2995 ‘On the measures of further development of the system of keeping, investigating and popularizing ancient written scripts]’ on 24th May, 2017. [Online]. URL: http://www.lex.uz (Date of Access: 20.09.2017).

2. Mahmudov, N. (2017) *Til tilsimi tadqiqi* [Investigation of language secrets]. Tashkent: MUMTOZ SO‘Z.

3. Rahmatullaev, Sh. (2010*) Hozirgi adabiy o‘zbek tili* [Modern literary Uzbek language]. First book. Tashkent: MUMTOZ SO‘Z.

4. Hojiev, A. (1974) *O‘zbek tili sinonimlarining izohli lug‘ati* [Dictionary of synonyms of Uzbek language]. Tashkent: O‘qituvchi.

5. Dadaboev, H. (2017) *«Devonu lug‘otit turk»ning til xususiyatlari* [Linguistic characteristics of ‘Devonu lugotit turk’]. Tashkent: Toshkent davlat sharqshunoslik institute.

6. Koshgari, M. (2016) *Devonu lug‘oti-t-turk* [Devan of Turkic words]. In 3 volumes. 1-volumes. Tashkent: MUMTOZ SO‘Z.

7. Koshgari, M. (2016) *Devonu lug‘oti-t-turk* [Devan of Turkic words]. 1-volumes. Tashkent: MUMTOZ SO‘Z.

8. Kashgari, M. (2010) *Devonu lugoti-t-turk* [Duvan lugat at-turk]. In 3 volumes. 1-volumes. / Outline of I.V.Kormushin. Moscow: Vostochnaya literatura.

9. Nadelyaev, V.M. (ed.) (1969) Drevnetyurkskij slovar’ (DTS). [Ancient Turkic dictionary]. Leningrad: Nauka.

10. Koshgari, M. (2016) Devonu lug‘oti-t-turk [Devan of Turkic words]. In 3 volumes. 2-volumes. Tashkent: MUMTOZ SO‘Z.

11. Shoabdurahmonov Sh. (ed.) (1980) Hozirgi o‘zbek adabiy tili [Modern Uzbek literary lenguage]. Tashkent: O‘qituvchi.

12. Orifjonova, Sh. (1996) O‘zbek tilida lug‘aviy graduonimiya [Lexical graduonymy in the Uzbek language]. Abstract of dissertation candidate of philological sciences. Tashkent.

13. Rahmonov, G. (2019) O‘zbek tilida lug‘aviy sinonimiya va graduonimiyaning o‘zaro munosabati [Relation of lexical synonymy and graduonymy in the Uzbek language]. Dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philological Sciences. Ferghana.

14. Rahmatullaev, Sh. (1979) Semik tahlil va leksik sinonimiyani ta’riflash masalasi [Semic analysis and the issue of defining lexical synonymy]. *O‘zbek tili va adabiyoti.* No 6. Pp. 25-31.

15. Mirtojiev, M., Mahmudov, N. (1992) Til va madaniyat [Language and culture]. Tashkent: O‘zbekistan.

Муаллиф ҳақида маълумот:

РОЗИҚОВА Гулбаҳор Зайлобидиновна – филология фанлари номзоди, Фарғона давлат университети тилшунослик кафедраси доценти. E-mail: rozikova_gulbahor@mail.ru